

ЮПҚА ҚАТЛАМЛИ ХРОМАТОГРАФИЯ УСУЛИДА ФЕНАЗЕПАМНИ ТАҲЛИЛИ

Н.Ш. Халилова, М.А.Тожиев, М.У.Абдуллаева
Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш. Ўзбекистон Республикаси

Ишнинг мақсади: феназепам дори воситасини юпқа қатламли хроматография усулда таҳлил қилиш шароитларини ўрганиш.

Усуллар: феназепамнинг юпқа қатламли хроматография (ЮҚХ) усулида таҳлилин олиб бориш учун “Силуфол” силикагел КСК сақлаган пластинкалардан фойдаланилди. Пластинкаларнинг старт чизиғига 1 мг/мл миқдорда феназепамни спиртли эритмасидан 0,1 мл томизилиб, хона ҳароратида қуритилди. Сўнгра органик эритувчилар аралашмаси солинган ва уларнинг буғи билан тўйинтирилган хроматографик камерага пластинкани туширилиб, эритувчилар аралашмаси 10 см баландликка кўтарилиб, финиш чизиғига етганида пластинкани олиб, хона ҳароратида қуритилди. Хроматографик пластинкада моддани кўтарилиб тўпланган жойини аниқлаш мақсадида ҳар хил кимёвий хоссаларга эга бўлган реактивлардан (йод буғи, Драгендорф реактиви) ва УБ-(254 нм),(366 нм) нуридан фойдаланилди. Олиб борилган тажрибалар асосида ва фойдаланилган органик эритувчилар системасидан қуйидаги: бензол - этанол - диэтиламин (9:1:1); бензол - хлороформ - этанол - этилацетат (5:4:0,5:0,5); хлороформ – этанол (9:1) системаларидан фойдаланишни мўътадил деб топилди.

Натижалар: тадқиқот натижасида феназепам спиртли эритмасининг ЮҚХ усулида чинлигини бензол - этанол - диэтиламин (9:1:1) системасида аниқланганда $R_f=0,21$ бўлган сиёҳ рангли доғ ҳосил бўлиши билан тасдиқлаб олишга эришилди. Доғ ҳосил қилувчи сифатида йод буғи ёки Драгендорф реактивини қўллаш мақсадга мувофиқлиги тасдиқланди.

Хулосалар: феназепам дори воситасини назорат қилишда ЮҚХ усули ёрдамида таҳлили ишлаб чиқилди.